O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 28 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 24 (7323)

**Da'vat**

***Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.***

**Жон ЛОКК**

**Ibrat**

***Хоразм вилояти Қўшкўпир туманининг энг чекка Ғазавот қишлоғида 600 ўринга эга бўлган маиший хизмат йўналишида касб-ҳунар коллежи очилди. Эндиликда коллежда барча зарур жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари, компьютер синфи, устахоналар, спорт ва анжуман заллари, 100 ўринли ётоқхона ўқувчиларга хизмат қилади.***



**Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-"Кичкинтой" болалар боғчасида "моҳир қўллар", шахмат-шашка, қўғирчоқ театри, бармоқ театри сингари тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Мурғак қалблар "Зумрад ва Қиммат", "Билмасвой шаҳарда", "Инжиқ қиз" каби томошаларни мароқ билан кўрмоқдалар.**

**Суратда: илғор, изланувчан тарбиячи Муҳайё Шарафбоева ширинтойларга ўзи ясаган ўйинчоқлар иштирокида бармоқ театрини намойиш қилмоқда.**

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат**

# ХАЛҚАРО СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

Шу ҳафтанинг бошида пойтахтимиздаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида ОЎМТ вазирлиги ЎМКҲТ Маркази, Германиянинг DSE (халқаро муносабатларни ривожлантириш ташкилоти) ҳамда ZGB (миллий ҳунармандчилик бўйича ҳамкорлик маркази) ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган Гёте институти, Германиянинг бизнес кўмак маркази ўзаро ҳамкорликда "Касб-ҳунар таълимида сифатни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва мослаштириш" мавзуида ўтказаётган ўн кунлик семинари ўз ишини бошлади.

Ишчанлик руҳида бошланган мазкур тадбирнинг биринчи кунида олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов, Гёте институти директори Элизабет Латтаро хоним, германиялик эксперт, айни пайтда ЎМКҲТ ривожлантириш институтида маъруза қилаётган доктор Хабибулраҳмон Хабиб ва шу институт ректори Абдуваҳоб Икромовлар семинарнинг мақсади ва вазифалари, ундан кўзланаётган натижалар хусусида сўз юритишди. Дастлабки куннинг ўзидаёқ германиялик мутахассисларга мамлакатимиз таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, бу борада таълим мазмунини такомиллаштиришга оид амалий таклифлар билдирилди.

— Мамлакатингизда 3 йилдан буён фаолият юритаётган эканмиз, — деди Гёте институти директори Элизабет Латтаро хоним, — биз юртингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни, ушбу тизимдаги янгиликлару ўзгаришларни зўр қизиқиш билан кузатиб бораяпмиз. Яна шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, институтимиз Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, ушбу вазирликлар тасарруфидаги таълим муассасаларида немис тили дарсларини такомиллаштириш, зарур адабиётлар ва дарсликлар яратиш бўйича ёрдам беришга ҳамиша тайёр ва айни кунда бу борада муайян ишлар қилинди.

Олтинчи апрелга қадар давом этадиган мазкур семинарда ўзбекистонлик олимлардан ташқари хорижлик мутахассисларнинг Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш, унинг мазмунига янгиликлар киритишга оид маърузалари, хорижий тажриба билан ўртоқлашувлар кутилмоқда.

**Нурлан УСМОНОВ, "Маърифат" мухбири**

**Anjuman**

# ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР БАЙРАМИ

Ҳар бир болада қандайдир истеъдод, қобилият бўлади. Кимдир чиройли шеър ёзса, яна кимнингдир бармоқлари мўъжиза яратади. Иқтидорли болалар юртнинг эртасини фаровон қилувчи, Ватан қудратини юксалтирувчи, элу миллатни дунёга танитувчи бўладилар.

Илм олиш ва ҳунар ўрганиш орқали ўз истеъдодини намойиш қила оладиган болалар эса республикамизда кўплаб топилади. Мана 10 йилдирки, қанчадан қанча ўқувчи-ёшлар "Иқтидорли болалар анжумани"да кашф қилинмоқда, уларнинг қобилиятлари синовдан ўтмоқда.

Яқинда, Тошкентга барча вилоятлардан ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган иқтидорли ўқувчилар яна бир бор ўз билим ва маҳоратларини, тайёрлаб келган ишларини тенгдошлари ва ташкилотчилар олдида намойиш этдилар.

"Республика 10-иқтидорли болалар анжумани" болалар учун ҳақиқий байрам бўлиб кетди. Улар ташрифларининг биринчи кунида Тошкентнинг энг гўзал жойларини томоша қилиб, Темурийлар тарихи Давлат музейи ва "Шаҳидлар хиёбони"ни зиёрат қилишди. Бу саёҳат уларнинг эсларидан бир умр чиқмаса керак.

Анжуманнинг иккинчи куни республика Ўқувчилар саройида катта тантаналар билан очилди. Барча иштирокчилар ўз меҳнатлари ва қобилиятлари маҳсули бўлган ишларни: қўлда тикилган сўзана, янги яратилган автомодел, тоғу тошлардан топилган ноёб тош ёки ноёб ўсимликларни кўргазмага қўйишди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи болалар ўзлари ўйлаб топган кичик тегирмон нусхасини, баъзилар зардўзлик намунаси бўлган кичик рўмолчани кўз-кўз қилаётганларида уларнинг юзларида ўз ишидан қониқиш, ўз меҳнатидан қувониш туйғулари акс этарди.

Ўқувчилар 4 гуруҳга бўлиниб, 21 йўналишда анжуманни давом эттиришди.

"Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар" шўъбаси пойтахтдаги 319-мактабда бўлиб ўтди. Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар Маркази директори ўринбосари Мавжуда Одилова қуйидагиларни айтиб берди.

— "Биз анъанавий анжуманга жуда катта тайёргарлик кўрдик. Қатнашувчи болалар ўз мактабида, ўз туманида, ўз вилоятида ўтказилган анжуманда ҳаммадан иқтидорли ва қобилиятли деб топилган болалардир. Бу йилги анжуманда бизнинг шўъбамизнинг алоҳида янгилиги шундаки, ўтган йилларда "ўлкашунос-адабиётшунос", "ўлкашунос-санъатшунос" йўналишлари алоҳида-алоҳида эди. Биз бу йил "ўлкашунос-адабиётчи ва санъатшунос" деб уни ўзгартирдик. Чунки халқ оғзаки ижодини ўрганиш, фольклор ҳақида маълумотлар йиғиш давомида ўқувчи бироз иккиланиб қолиши мумкин. Бу санъатми ёки адабиёт деб. Шунинг учун биз йўналишларимиз сонини биттага қисқартирдик. Қолган ўлкашунос-тарихчи, ўлкашунос-география, сайёҳлик юриши каби йўналишлар ўтган йиллардагидек фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир вилоятдан бир нафардан иқтидорли ўқувчи ўз иши яъни реферати, мавзуга оид тўплаган материаллари билан иштирок этмоқда. Анжуманнинг биринчи куни болалар билан танишув оқшомини ўтказдик. Унда ҳар бир вилоят вакили ўша ҳудудда Наврўз байрами қандай нишонланишини ўз тенгдошларига саҳна кўринишлари орқали кўрсатиб беришди, Наврўзнинг алоҳида фазилатлари ҳақида гапиришди.

Анжуман давомида жуда кўплаб болалар билан суҳбатлашдик, уларнинг қандай мавзулар устида ишлаганликлари ҳақида билиб олдик, анжуман ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик.

— "Мен,-деб сўз бошлади Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 34-мактабнинг 8-"В" синф ўқувчиси Маҳлиё Мардонова, — анжуманда "ўлкашунос-география" йўналиши бўйича қатнашяпман. Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг ишини ўрганишимда, ота-боболаримиз фойдаланиб келган мойжувоз, тегирмонни ҳозирги янги технологиялар асосида ишловчи комбинатлар билан таққослаб бир хулосага келишимда ўқитувчим, яъни илмий раҳбарим Феруза Тожиева катта ёрдам бердилар. Биз асосан пахтакор халқ саналамиз. Республикамизнинг барча ҳудудларида пахта етиштирилади. Мен пахтадан қандай маҳсулотлар қанақа усулларда олинишини 2-3 ой давомида анчагина мукаммал ўргандим деб айта оламан. Пахта бизнинг бойлигимиз, бу иборани бежизга айтишмаганликларига изланишларим давомида амин бўлдим.

"Сайёҳлик юриши" йўналиши бўйича иштирок этаётган Фарғона вилояти Қувасой туманидаги 1-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шавкат Абубуллаев 2-синфдан бошлаб сайёҳлик юриши тўгарагига қатнашаётганлигини, Помир-Олой тоғ тизмаси бўйича сайёҳлик юришида қатнашиб, жуда яхши тажриба ва бой материаллар тўплаганлигини айтиб берди. "Саёҳатларимизнинг бирида олмосга ўхшаган тош топганмиз, ҳар бир саёҳатдан сўнг турли ўсимликлардан гербарийлар тайёрлаганмиз, рангли тошлардан коллекциялар тўплаганмиз. Менга тоғу тошларда саёҳатда юриш ёқади, чунки машаққат ва қийинчиликлар давомида одам чиниқади, қўрқмас, эпчил бўлишга ҳаракат қилади. Энг муҳими чиройли жойлар борлигини кўриб, шундай ўлкада яшаётганлигидан юрагида ғурур туяди", деди Шавкат Абубуллаев.

**(Давоми 4-бетда)**

# ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

**Rasmiy bo'lim**

Халқ таълими вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2000-2001 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи имзоланди.

Буйруқда қайд этилишича, барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатларнинг I-XI синфларида ўқув машғулотлари 25 майда тугалланади.

Амалий меҳнат машғулотлари ўқув режа асосида ўтказилади. "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" бўйича ўғил болалар ўқув-дала машғулотлари ўқув йили якунланиши олдидан 3 кун (18 соат) давомида шу ўқув фанига ажратилган дарс соатлари ҳисобидан мактаб базасида ўтказилади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг битирувчи IX, XI (XII) синф ўқувчиларининг билими ва кўникмалари оғзаки, ёзма имтиҳонлар ёки тестсиновлари тарзида якуний аттестациядан ўтказилади.

Барча турдаги умумий ўрта

**(Давоми 3-бетда)**

**O'qituvchilar konferensiyasi**

# ДАСТУРГА ҲАР БИР ЎҚИТУВЧИ МАСЪУЛ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг янги аср бўсағасида ўтказилган навбатдаги ҳайъат мажлисида вазирлик Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқариш бўйича белгиланган тадбирларга мувофиқ, туман (шаҳар), вилоят, республика конференцияларини ўтказиш, уларда миллий дастурнинг бажарилиши, бу борада вужудга келган муаммолар ва уларнинг ечими, биринчи босқич натижаларининг таҳлили асосида иккинчи босқичда бажариладиган вазифалар бўйича режаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифи ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар, жамоатчилик вакилларининг мурожаатларини инобатга олиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида — 2001 йил июнь ойида республика ўқитувчилар съездини ўтказиш мўлжалланаётгани айтилиб, шу масала теварагида атрофлича фикрлашиб олинган эди. Мажлисда таъкидланганидек, ўқитувчиларнинг мазкур съездида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йили давомида мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи (1997-2001 йиллар) якунлари мазкур давлат дастурини амалга оширишдаги 4 йиллик тажрибадан келиб чиққан ҳолда иккинчи босқичда (2001-2005 йиллар) бажариладиган ишлар белгилаб олинади.*

*Куни кеча Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 319-мактабда бўлиб ўтган туман ўқитувчилар конференциясида ҳам дастлабки натижалар сарҳисоб этилиб, вазифалар кўлами таҳлилга тортилди. Бу хусусда туман ХТБ мудири А.Икромов батафсил фикр юритди.*

*Шунингдек, конференцияда қарор ва ижро, таълим, талаб ва масъулият тушунчалари тез-тез тилга олиниб, амалий ишлар ҳақида сўз борди. Масалан, 73-мактаб директори Л.Саидова "Давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) ижроси мониторингининг олиб борилиши", 89-мактаб ўқитувчиси С.Коровина "Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда рейтинг тизимининг аҳамияти", 118-мактаб ўқитувчиси М.Абдураззоқовалар "Она тили ва адабиёт фани дарсларида Давлат таълим стандартлари асосида комил инсон ва ижодкор шахсни тарбиялаш — давр талаби" мавзуларида маъруза қилишиб, илм масканларидаги олиб борилаётган иш тажрибалари хусусида йиғилганларга сўзлаб беришди. Чунончи, у ерда болаларни мактабга тайёрлаш борасида 487-мактабгача таълим муассасасининг туман ташхис маркази ҳамда 89-, 135-мактаблар ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар алоҳида тилга олинди.*

*Туман ўқитувчилар конференциясида Тошкент шаҳар ўқитувчилар конференцияси ҳамда республика ўқитувчилар съездига делегатлар ҳам сайланди.*

*Конференция якунида шу тумандаги 118-мактабнинг илғор муаллимаси М.Толипова анжуман ҳақидаги ўз таассуротларини шундай баён қилди:*

*— Бугунги анжуманда миллий дастур асосида юзага келган кўплаб янгиликлардан воқиф бўлдик. Мен ҳам йиғилганларга миллий истиқлол ғоясини таълим мазмунига жорий этилишининг мактабимиздаги илк натижаларини сўзлаб бердим. Асосийси, бу конференция ҳар бир ўқитувчи учун "миллий дастур амалиётига қандай ҳисса қўшдим ва келажакда бу борада нималар қила оламан" мазмунидаги ўзига хос сарҳисоб бўлди.*

**Қ.МАТҚУРБОНОВ**

**Tashabbus**

# АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛАДИ

**Мактабгача таълим мактаб босқичининг пойдеворидир. Авваллари боғчаларда болаларни мактаб таълимига тайёрлашга етарли эътибор берилмаганлиги сабабли 1-синфга борган ўқувчилар йил бўйи ҳарф ўрганиш билан банд бўлар эди. Ҳозирда эса боғча тарбияланувчиларининг аксарияти мактабга ҳарф таниб келмоқда. Бунга осонликча эришилаётгани йўқ, албатта. Кичкинтойларга сабот билан ҳарф танитиш, шеърлар ёдлатиш тарбиячидан чуқур билим ва сабр-қаноатли бўлишни талаб қилади. Бу ишларни амалга оширишда кўргазмали қуроллар, услубий қўлланмалар, ўйинчоқлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.**

**Ҳозир мактабгача таълим муассасаларини ўйинчоқлар билан таъмин этиш кўп ҳолларда муаммо бўлиб қолмоқда.**

**Риштон шаҳридаги "Олтин балиқча" болалар боғчаси жамоаси мазкур муаммони ечиш ташаббуси билан чиқдилар. Дастлаб боғча мудираси М.Мурсакаева бошчилигида барча тарбиячилар қўлбола ўйинчоқлар ясай бошлашди. Бироқ етарли миқдордаги ўйинчоқлар ясаш учун анча вақт кетарди. Мудира ўйлаб, бир тўхтамга келди. Бу ишга ота-оналар ҳам жалб қилинса, бўлмасмикин? Улар ўз фарзандлари учун ёрдамларини аяшмас, ахир! Унинг фикри жамоага ҳам маъқул келди. Навбатдаги ота-оналар йиғилишида мудиранинг таклифи ўртага ташланган эди, ташаббус ота-оналар томонидан қўллаб-қувватланди.**

**Шундай қилиб, боғча тарбияланувчиларининг ота-оналари томонидан тайёрланган ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этиладиган бўлди. Тайёргарлик учун бир ой муҳлат белгиланди. Кўргазма ўтказиладиган куни боғчанинг мусиқа зали турли-туман ўйинчоқларга тўлиб кетди.**

**— Кўргазмада 8 та гуруҳдаги 120 дан зиёд тарбияланувчиларнинг ота-оналари томонидан тайёрланган ўйинчоқлар 500 дан ошиб кетди, — дейди боғча услубчиси К.Далиева. — Баъзи ота-оналар 8-10 тадан турли кўринишдаги ўйинчоқларни тақдим этдилар. Улар қаттиқ ва юмшоқ материаллардан, сополдан тайёрланган бўлиб, асосийси сотувдаги ўйинчоқлардан қолишмайди.**

**Кўргазмада ғолиб ёки мағлублар бўлмади. Барча баробар бу ишга киришганлиги боис, кўзланган мақсадга эришилди. Боғча етарли ўйинчоқларга эга бўлди. Ота-оналар бундай тадбирни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олишди. Боғча жамоаси эса уларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, бу беминнат ёрдамлари боғчадаги таълим-тарбия ишини янада ривожлантиришда ижобий ёрдам беришини таъкидладилар.**

**Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ
Фарғона вилояти**

# МАРКАЗНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАСИ

**Dolzarb mavzu**

Таълим муассасаларида миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини ўрганувчи, тарғиб қилувчи марказлар ташкил этилгани бу борадаги ишларимизни самарали ташкил этиш имкониятини кенгайтиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ҳам "Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази" ташкил этилди. Марказ учун алоҳида хона ажратилиб, уни турли мебель жиҳозлари, видео-аудио техника, телевизор, телефон, компьютер, принтер ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Марказда давлатимиз рамзлари, мадҳия ва миллий мафкурамиз тарихига оид кўргазмалар, марказ таркиби, унинг фаолиятига оид Низом ҳамда 2001-2002 йиллар учун иш режаси ва тадбирлар дастури

**(Давоми 3-бетда)**

## JUMLADA JAHON

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 март куни Оқсаройда Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Умар Изгини қабул қилди.**

**● Украина Президентининг рафиқаси Л.Н.Кучма раҳбарлигидаги Украина делегацияси Корея Республикасига кета туриб, Тошкентда тўхтаб ўтди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.**

**● Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

**● АҚШ пойтахтининг энг катта концерт залларидан бири — "Кеннеди маркази"да Қизлархон Дўстмуҳаммедова раҳбарлигидаги "Муножот" ансамблининг концерти бўлиб ўтди.**

**● Россиянинг Минеральние Воды, Ессентуки шаҳарлари ва Адиге-Хабль посёлкасида террорчилар амалга оширган портлашлардан 23 киши қурбон бўлди, 68 киши госпитал, 53 ярадор амбулатория шароитида даволанмоқда.**

**● Мисрнинг Бахария ўлкасидан археологлар 11 кишининг 1800 йил илгари мўмиёланган жасадларини топишди. Тахминларга кўра, улар бир оила вакиллари бўлган.**

**● Японияда бўлиб ўтган зилзила натижасида 7 минг бино зарар кўриб, 2 киши ҳалок бўлди ҳамда 183 нафар киши жароҳатланди.**

**Магистратура — академик фанга иқтидорли ёш мутахассисларни жалб қилиш билан бирга барча олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини илмий жиҳатдан кучайтиришга имкон беради.**



Milliy dastur — amalda

# МАГИСТРАТУРА: ИЛК ҚАДАМ, МАҚСАД, ИСТИҚБОЛ

Илм — тараққиётнинг бош мезони. Янги ғоялар, қарашлар ва кашфиётлар жамиятни ривожланиш сари етаклайди. Олдинга интилаётган жамиятни ҳаракатлантирувчи асосий куч ундаги юксак тафаккур соҳибларидир. Демак, бугун ислоҳотлар қуршовидаги Ўзбекистонда жамики янгиланиш, интилишлардан мақсад битта — Ватанга юксак даражадаги интеллектуал — ҳам маънавий, ҳам ахлоқан етук, қилаётган ишининг моҳиятини чуқур англаган инсонлар керак. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллигига бағишланган йиғилишда "Мордомики, илм-зиё аҳли биздан кўра кўпроқ биладиган, узоқроқни кўрадиган, теранроқ англайдиган кишилар экан, демак, уларнинг жойи тўрда бўлиши керак. Шундай илмий шароит, шундай ижодий муҳит яратиш лозимки, токи илм-фан соҳасидаги ноёб истеъдодларни болалик чоғидан танлаб олиш, авайлаб парвариш қилиш, миллатнинг катта бойлиги сифатида асрашга имконият туғилсин", деган эди. Таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш борасида республикада бошлаб юборилган ислоҳотлар тадрижий ривожи ушбу эътиборнинг, муносабатнинг ҳамда ғамхўрликнинг чинакам амалий исботини намоён этиб келмоқда. Жумладан, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва унда белгилаб берилган муҳим соҳа — узлуксиз таълим худди шу мақсадни назарда тутади.

> *«Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади».*
>
> ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан)

Шарт-шароит деганда, ҳар бир кишининг дунёга келиб, ўзининг, аввало, Худо берган қобилиятини, ўз қизиқиш ва имкониятларини юзага чиқаришга ҳамда комилликка эришиш эҳтиёжини қондиришга қодир бўлган мукаммал тизим яратиш назарда тутилган. Мўлжалдаги даражага етишмоқ учун ёшларимизнинг аввал бошдан ўз ҳаётий йўлларини, жамиятдаги ўрнини аниқлаб олишлари ва келгуси хатти-ҳаракатларини қатъий тарзда айнан белгиланган мақсадга йўналтиришлари учун ушбу тизим имконият туғдирибгина қолмай, уларнинг ушбу хатти-ҳаракатлари натижасини бирма-бир (мактабгача таълим + умумий ўрта таълим + ўрта махсус касб-ҳунар таълими + олий ва ундан кейинги таълим) намоён этиб бораверишларига йўл очиб беради.

Айнан шу жиҳати билан ҳам ҳозирда халқаро миқёсда тан олинаётган мамлакатимиз таълим ҳамда кадрлар тайёрлаш тизими аҳамиятлидир. Унинг ҳар бир бос-қичи ўзига хос мақсад ва мазмунга эга, бири иккинчисини тўлдириб, такомиллашиб бораверадиган узлуксиз жараёндир. Ушбу узлуксиз таълим тизими таркибидаги олий таълимнинг магистратура босқичи ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу янгилик ҳам юқорида таъкидлаганимиздек мақсадли таълим олишни фақатгина хоҳиш-истак майли билангина эмас, балки ҳар бир шахснинг маълум интеллектуал салоҳиятини инобатга олган ҳолда давом эттиришлари учун имкониятни, қолаверса, самарали сараланиш муҳитини вужудга келтирди.

> *"Магистратура — аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир".*
>
> ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан)

Магистр бакалаврдан фарқли равишда муайян ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, ўқув жараёни давомида магистрлик диссердацияси тайёрлайди ва уни ҳимоя қилади. У аспирантурада ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эгадир.

Магистратура мутахассисликлар бўйича илмий мактаблари шаклланган ва илмий тадқиқот ишлари юқори даражада ташкил этилган олий таълим муассасаларида очилади. Магистрантларнинг ўқиши нафақат олий таълим муассаларида, балки ҳамкорлик шартномалари асосида тегишли йўналишдаги илмий-тадқиқот муассасаларида ҳам ташкил этилади. Бу жараён академик фанга иқтидорли ёш мутахассисларни жалб қилиш билан бирга олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини илмий жиҳатдан кучайтиришга имкон беради.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар кўп. Улар учун ҳозирги вақтда жами 38 та олий таълим муассасасида 400 дан ортиқ мутахассислик бўйича магистратура таълими ташкил этилган. Бу йил соҳанинг илк қалдирғочлари сифатида 1900 нафар йигит-қизларимизга магистрлик дипломи ва кўкрак нишони берилади. Шундай шарафга эга бўлиш арафасида турган ёшларнинг сўзларига қулоқ тутинг:

***Жасурбек ТЎРАЕВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети "Ишлаб чиқариш менежменти" мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— Магистратурага қабул қилинганимдан сўнг, бу ердаги муҳит мени илмий изланишга янада чуқурроқ ёндашишимга ундай бошлади. Ўқишнинг дастлабки ярим йиллигиданоқ "Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида менежмент самарадорлигини ошириш йўллари" мавзуси устида ишлай бошладим. Илмий ишимни кўнгилдагидек ёритиш учун, табиийки, керакли шароитларга эҳтиёж*



*сезилади. Бир ярим йил мобайнида ўқитилган фанларни ўрганишим натижасида замонавий информацион дастурлардан фойдаланиш, иқтисодий ва молиявий таҳлилларни амалга ошириш, инглиз тилидаги илмий адабиётларни мутолаа қилиш кабиларни ўзлаштира олдимки, буларнинг барчаси илмий изланишимга катта фойда бермоқда. Халқаро "Интернет" тизимига эркин кира олиш имкониятига эга бўлганлигим учун менежментнинг халқаро майдондаги ривожланиш асослари билан таниша олдим. Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутган "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компаниясида ҳимояолди амалиётимни ўтамоқдаман. Магистратура мен ва мен каби бошқа кўплаб ёшларни ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишига имкон яратмоқда. Бундай имкониятлар натижасида, менда илмий ишимдаги ғоя ва таклифларнинг амалиётда самарали татбиқ этилишига ишонч уйғонди. Умид қиламанки, менинг олиб бораётган изланишим, келажакда корхоналарда замонавий бошқарув- менежмент қонуниятларининг амал қилишига ўзининг озгина бўлса ҳам ҳиссасини қўшади.*



***Гулчеҳра ОЛИМЖОНОВА, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— "Меҳнат иқтисоди ва социологияси" мутахассислиги бўйича бакалавриатда олган умумий билимларимни янада назарий жиҳатдан чуқурлаштириш, кўпроқ амалий билимларга эга бўлиш учун магистратурага ўқишга кирдим.*

*Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида дунёнинг барча давлатларида макроиқтисодий муаммо — ишсизлик мавжуд. Ишсизлик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини излаб топиш, хулоса ва таклифлар киритиш мутахассислигимизнинг асосий вазифаларидан биридир.*

*Магистрлик диссертациямнинг мавзуси "Ўзбекистон Республикасида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш"дир. Бу борада илмий раҳбарим, профессор Ш.Холмўминов мендан ўз маслаҳат ва йўл-йўриқларини аямаяптилар.*

*Ҳозир ишлаб чиқариш амалиёти даврини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлигида ўтаяпман. Магистр талаба кўпроқ ўзи устида мустақил ишлашига тўғри келар экан. Бу борада эса университетимизда ҳамма шарт-шароитлар етарли.*

*Магистратурани тугатгач, аспирантурада ўқишимни давом эттирмоқчиман ва меҳнатга лаёқатли ёшларни иш билан таъминлаш муаммоларига бағишланган тўлақонли илмий иш қилиш ниятим бор.*

*Келажакда мамлакатимиз учун керакли ва ўз ишининг устаси бўлган иқтисодчи-олима бўлиш ниятидаман.*



***Яҳё ОЛЛОЁРОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти "Табиий толаларни дастлабки ишлаш" мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— Магистратурада хоҳ у аниқ фан, хоҳ у ижтимоий-сиёсий, гуманитар фанлар бўлсин, чуқурроқ ёндашилади. Илмий раҳбарим, профессор Анвар Жўраев билан «Чигитли пахтани йирик ифлосликлардан тозалайдиган машиналарнинг тозалаш самарадорлигини такомиллаштириш» мавзусида илмий-тадқиқот олиб бордик. Ҳозирда диссертация мавзусини хулосалаш билан бандман. Чигитли пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарини такомиллаштириш бўйича тажрибалар ўтказмоқдаман. Биз таклиф этаётган тозалагичнинг янгисида унинг самарадорлигини ошириш имкони пайдо бўлди.*



*Шуни англадимки, магистратура талабанинг ўз устида мунтазам ишлашини тақозо этар экан. Илмий раҳбар унга керакли йўл-йўриқларни бериб боради, холос. Асосий юк талабанинг гарданига тушади ва шундай бўлиши ҳам керак. Негаки, фундаментал билимни эгаллашда, у кўпроқ ўз имкониятларини ишга солиши керак. Имконият деганда эса унинг лаёқати, уқуви, маҳорати ва ҳафсаласи тушунилади.*

***Шаҳноза САРИБОЕВА, Ўзбекистон Миллий университети биология мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— Магистратурада ўқиш давомида "Шифобахш ўсимликлар биоэкологияси" мавзусида илмий изланиш олиб бормоқдаман. Ватанимиз мустақилликка эришгач, кишиларимизда табиий дориларга, гиёҳларга бўлган эътибор, талаб кучайди. Чунки уларнинг инсон саломатлигини тиклашда нафи кўп бўлиб, организм учун безиёндир.*



*Доривор гиёҳларнинг турли шароитда биоэкологик хусусиятларини, шифобахшлик хоссаларини табиий шароитга нисбатан сақлаб қолишини, шу билан бирга бу ўсимликларнинг шифобахшлик хусусиятларини, уларнинг табобатда ишлатилишини ўрганиб, татбиқ қилиш илмий ишимнинг асосий мақсадларидан биридир.*

*Ҳозирги кунда республикамизда ошқозон, жигар хасталиги билан касалланганлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Бу хасталикларнинг олдини олиш, даволаш долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммоларни ҳал этишда шу соҳа мутахассисларидан амалий ва назарий ёрдам олмоқдаман. Илмий ишнинг яна бир эътиборли томони шундаки, шифобахш, доривор гиёҳларни қидириб топиш ва лаборатория йўли билан улардан дорилар, малҳамлар тайёрлаш усулларини ўрганмоқдаман. Илмий изланиш давомида ўрганган материаллардан келиб чиққан ҳолда, республикамизда, айниқса, тоғли жойларда доривор гиёҳларнинг турли-туман навлари борлигини аниқлашга ҳаракат қилдим. Ва келгусида мамлакатимиздаги шифо масканларида ана шу доривор гиёҳлардан, улардан тайёрланган малҳамлардан кенг фойдаланишга бор меҳнатимни сарф қилмоқчиман.*



***Динара АРАПБАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети фалсафа мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— Мен мана шу икки йил давомида "Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзуидаги магистрлик диссертациям устида илмий изланиш олиб бордим. Бу мавзуни танлашимдан асосий мақсадим, халқимизнинг неча минг йиллик орзуси бўлган фуқаролик жамиятини мамлакатимизда шакллантиришда давлатимизнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб беришдир.*

*Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини қўйганмиз, бундан мақсад — бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш. Бу эса фуқароларнинг ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Мамлакатимизда қурилаётган ана шундай фуқаролик жамиятининг юқорида айтиб ўтилганидек, ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб беришга ҳаракат қилдим.*

*Бундан ташқари, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида олиб борилаётган изчил изланишларни таҳлил этиб, магистратурадан кейинги илмий фаолиятимда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқчиман.*



***Наргиза ЮСУПОВА, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети мусиқий таълим мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, маънавий-маърифий соҳада туб ислоҳотлар бошлаб юборилди. Уларнинг барчаси соғ-лом авлод, комил шахсни шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу жараёнда биз мусиқашунос тар-биячилар, педагоглар ҳам фаол қатнашишимиз, ўз соҳамизнинг самарадор методлари билан ҳиссамизни қўшишимиз олий бурч. Шуни ҳис қилган ҳолда бакалавриатда ўқиган кезларимдаёқ ўзим танлаган мутахассисликни чуқурроқ ўрганиш, уни ҳаётим мазмунига айлантиришга қарор қилгандим. Ушбу ниятимни ҳозирда магистратура таълимида бир қадар амалга ошириш имкониятига эга бўлдим.*

*Илмий ишим мавзуси "Комил инсон — жамият кўрки" деб номланган. Ундан кўзлаган асосий мақсадим, мусиқашунослик тарихини, унинг инсонни тарбиялашдаги аҳамияти ҳамда бугунги кунда мусиқадан таълим-тарбияда самарали фойдаланиш йўлларини ўрганиш, тадқиқ этиш. Бу борада менга Форобий, Жомий, ибн Сино, Навоий каби мутафаккирларнинг қарашлари ҳамда жаҳон мусиқашунослари фикрлари дастуриламал бўлмоқда. Келгусида аспирантурада ўқишни давом эттириб, мавзуни ривожлантириш орзуим бор.*



***Шаҳзода АБДУЛЛАЕВА, Тошкент архитектура-қурилиш институти менежмент мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— Институтдаги 4 йиллик ўқишим давомида мамлакатимизда қурилиш соҳасидаги ўзгаришлар, ундаги муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари билан қизиқдим ва битирув ишимнинг мавзусини "Қурилишда ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштириш ва татбиқ этиш йўллари" деб танладим. Магистратурага мен ушбу танлаган мавзуимни чуқурроқ ўрганиш истагида кирдим. Ҳозир шу мавзуда магистрлик диссертацияси устида иш олиб бормоқдаман. Бунинг учун эса институтимизда барча имкониятлар, шароитлар яратилган. Шу ўтган давр ичида биз пойтахтимиздаги бир қатор йирик қурилиш корхоналарида амалиёт ўтадик. Уларнинг иш фаолиятлари, ишлаб чиқариш жараёнида бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар билан яқиндан танишдик. Корхоналарда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш, бу соҳада учрайдиган муаммолар билан қизиқдик. Етакчи мутахассислар билан фикр алмашдик. У ерда олган маълумотларим асосида магистрлик диссертациямни ёзяпман. Менга бунда институтдаги устозларимиз яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўпчилик қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини нотўғри ташкил қилиш, бу ҳақда етарлича билим ва малакага эга эмаслик, янги техника ва технологияларни амалда татбиқ этилмаслиги натижасида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетмоқда. Бунинг оқибатида қурилиш муддати чўзилиб, қуриб битказилган объектлар сифатининг бузилишини кўришимиз мумкин.*

*Бунда ишлаб чиқариш менежментининг аҳамияти катта деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам мен бу мавзуни долзарб деб ҳисоблайман. Бу мавзуда иш олиб бориш мобайнида чет эл тажрибаси билан ҳам қизиқдим. Халқаро "Интернет" тизимига эркин кира олиш имкониятлари яратилганлиги натижасида, мен жаҳондаги етакчи ривожланган мамлакатлар амалиёти билан яқиндан танишдим. Ўз изланишларим билан қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштиришда оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшаман, деган умиддаман ва бунга астойдил ҳаракат қиламан.*



***Шаҳриёр МАНСУРОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро муносабатлар мутахассислиги 2-курс магистранти:***

*— Магистратурада ўқишнинг дастлабки онларидаёқ мен ўз тадқиқот ишимнинг мавзусини аниқ белгилаб олганман. У "Бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришда жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон модели" деб номланган. Масаланинг долзарблиги унинг номидан кўриниб турибди. Бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадимиз бўлиб, унинг учун Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамо-йил республикамизда олиб борилаётган турли жабҳалардаги ислоҳотларга асос бўлиб хизмат қилаяпти. Бозор иқтисодиётини қанчалик мукаммал қилиб шакл-лантириш пировард мақсадимиз — демократик жамиятни барпо этишга гаров бўлиб хизмат қилади. Масалани таҳлил қилар эканман, ривожланишда ўзбек моделининг ўзига хослиги, ўзбек халқининг тарихан, маънан бойлиги, уларнинг миллий анъаналаримиз билан ҳамоҳанг ҳолда республикамиз фуқароларининг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятига бевосита таъсир кўрсатиши ҳақида фикр юритганман. Ундан ташқари, давлат тузилиши, унда ҳукуматнинг роли, партиялар, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг фаоллиги масалалари кўриб чиқилган. Ҳар бир янги мустақил давлат ўз ривожланиш йўналишини белгилаб олар экан, албатта, ривожланган нуфузли давлатларнинг ривожланиш моделларини ўрганиб чиқишга интилади. Мен ўз изланишларим давомида дунёга донг таратган "Швед модели"ни кўриб чиқиш ниятим бор.*

**Ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, у сари интилаётган йигит-қизларнинг умидбахш сўзлари бизни қанчалик хурсанд қилса, кун келиб бир кун улар томонидан қилинажак янгиликлар, кашфиётлар юртимиз равнақига равнақ қўшажагига шунчалик ишонч ҳиссини уйғотади. Яратиш иштиёқи билан яшаётган, келажак сари дадил, қатъий қадам жараён ташлаётган ёшларнинг парвози баланд бўлсин, дея тилак билдирамиз.**

**Абдусамат РАҲИМОВ,**
**Ҳусан НИШОНОВ**

# YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

### 2-ДАРС

### Ю=Y+U

1. ***"ю"*** ҳарфи ҳам икки товуш тарзида, яъни ***"й+у"*** ҳолатида талаффуз этилгани учун ҳам янги алифбомизда ***"y+u"*** ҳарф бирикмаси сифатида ёзилади:

***юрт-yurt, туюқ-tuyuq, юмор-yumor*** каби.

Рус тилидан кириб келиб ўзлашган баъзи сўзларда юмшоқ ундошлардан сўнг лабланган ***"у"*** товуши каби талаффуз қилингани учун лотин ёзуви асосидаги алифбомизда битта ҳарф, яъни ***"u"*** билан ёзилиши керак:

***бюджет-budjet, парашют-parashut, целлюлоза-selluloza*** каби.

### SENTABRMI — SENTYABR

2. Кирилл ёзувидаги ***"я"*** ҳарфи "йа" икки товуш бирикмаси билан ифодаланганлиги учун лотин ёзувидаги янги ўзбек алифбосида у айнан икки ҳарф тарзида, яъни ***"ya"*** ҳолатида ёзилади:

***якдил-yakdil, сессия-sessiya, уят-uyat*** каби.

Бу ҳарф ҳам рус тили орқали ўзлашган айрим сўзда юмшоқ талаффуз қилинадиган ундошдан сўнг келганда унинг таъсирида юмшоқроқ ***"а"*** товуши тарзида айтилади. Шунинг учун, бундай сўзларни янги ўзбек алифбосида ёзганда айтилишига кўра ***"а"*** тарзида ёзиш лозим:

***сентябрь-sentabr, пляж-plaj, аккумулятор-akkumulator*** каби.

**Топшириқ.** Кирилл ёзувидаги алифбода ***ё,ю,я*** тарзида ёзиб, сўз охирида ва сўнгги ундош товушдан олдин келадиган сўзларни топинг ва уларни ҳарфлар миқдорига қараб кетма-кет жойлаштириб, янги алифбода ёзинг.

Масалан:

| | | |
|---|---|---|
| ***riyo*** | ***uya*** | ***uyum*** |
| *iloyo* | *soya* | *buyum* |

**(Давоми бор)**

# ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини якуний аттестациядан ўтказиш:

IX синфларда 26 майдан 12 июнгача; XI (XII) синфларда 26 майдан 19 июнгача амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар битирувчиларининг билими ва кўникмалари якуний аттестацияси қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

А) IX синфни битирувчилар учун:

— она тили ва адабиёт — ёзма (ижодий баён) 28 май

— математика — ёзма 2 июн

— Ўзбекистон тарихи — оғзаки

— ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) — оғзаки

— рус тили (ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) — оғзаки

— жисмоний тарбия

— назарий ва амалий

Б) XI синфни битирувчилар учун:

— она тили ва адабиёт — ёзма (иншо) 4 июн

— математика — ёзма 30 май

— физика — оғзаки

— кимё — оғзаки

— хорижий тиллар (инглиз, француз, немис) — оғзаки

— ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) — оғзаки

— рус тили (ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) — оғзаки

— жисмоний тарбия — назарий ва амалий

Экстернат тартибда ўтказиладиган имтиҳонлар Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 25 ноябрдаги 11/4-сонли Ҳайъат қарори билан тасдиқланган муваққат Низом асосида ўтказилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг IV, IX, XI синф ўқувчилари жисмоний тарбия фанидан имтиҳон топширадилар.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфларида ва битирувчи IX, XI синфларида жисмоний тарбиядан имтиҳон 2001 йил 14 майдан 22 майга қадар ўтказилади.

Ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар ёки синфларда (V-XI) бир ёки икки махсус фандан қўшимча имтиҳон киритилади.

Махсус фан бўйича имтиҳон материаллари ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан тузилиб, методбирлашма муҳокамасидан ўтказилгач, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими услубхонаси билан келишилган ҳолда директор томонидан тасдиқланади.

Кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи, махсус мактаб-интернатларининг ўқувчилари учун ҳам умумий ўрта таълим мактаблари учун белгиланган муддатларда битириш имтиҳонлари ўтказилиб, бундай мактабларда жисмоний тарбиядан имтиҳон ўтказилмайди.

Кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларида она тили ва адабиёт (баён), математика (ёзма) фанларидан, кўзи ожиз, заиф кўрувчи, полиомелит ва церебрал шол, нутқида нуқсони бўлган болалар мактаб-интернатларида имтиҳонлар умумий таълим мактаблари дастури бўйича ўтказилади.

Мазкур мактабларнинг битириш имтиҳони материаллари муассаса методбирлашмасида ишлаб чиқилиб, директор томонидан тасдиқланади.

Ақли заиф болаларнинг махсус мактаб ва мактаб-интернатларида фақат меҳнат таълими бўйича битириш имтиҳонлари ўтказилади. Имтиҳонларни ўтказиш муддати мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

Якуний аттестация Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги компьютер билан таъминланган барча умумий ўрта таълим мактабларида тест синовлари шаклида Республика таълим Маркази томонидан тасдиқланган дастур асосида ЭҲМ ёрдамида ўтказилади. Шу муносабат билан бир ой муддат ичида "Ўзбекўқувавтоматика" маркази билан тузилган шартномага мувофиқ барча ишламайдиган компьютерларни тузатиш ва таъмирлаш чораларини кўриш зарурлиги буйруқда белгилаб қўйилди.

Ўқувчиларни касаллиги туфайли тиббиёт комиссия хулосаси асосида битириш имтиҳонларидан озод қилиш Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 22-23 майда 99/230-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган "Умумтаълим мактаб ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида"ги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 28 февралдаги 53-сонли буйруқ билан тасдиқланган Йўриқнома асосида амалга оширилади.

Ўқувчилар билими рейтинг усулида баҳоланаётган мактаб (синф)ларда якуний аттестация натижалари амалдаги беш баллик тизим асосида баҳоланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига компьютерда имтиҳон ўтказиладиган мактаблар учун жорий йилнинг 1 майигача Республика таълим Маркази билан келишиб мустақил ҳолда кўп вариантли имтиҳон материалларини тайёрлашга рухсат берилади.

Марказий Осиё Республикалари ва Қозоғистон Республикаси ҳудудида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар битирувчи синфларини имтиҳон материаллари билан таъминлаш қуйидаги вилоят халқ таълими бошқармаларига топширилади.

Андижон вилояти — Қирғизистон Республикасига

Тошкент вилояти — Қозоғистон Республикасига

Самарқанд вилояти — Тожикистон Республикасига

Хоразм вилояти — Туркманистон Республикасига

Шунингдек, буйруқда якуний аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига вазифалар юклатилиб уларни бажариш учун муддатлар белгиланди.

## Olimpiada — 2001

# ОМАД ФАҚАТ БИЛИМДОНЛАРГАГИНА КУЛИБ БОҚАДИ

Ҳамал ойининг ўрталарида умумтаълим фанлари бўйича вилоятлар олимпиадалари ғолиблари ҳақида маълумот эълон қилинган саҳифада (2001 йил 14 март) ёш қаламкаш Ш.Нишоновнинг "Тарбияталаб туйғу" сарлавҳали мақоласида орият тушунчаси ҳақида мулоҳаза юритилган эди. Хўш, маълумот билан ўша мақола орасида қандай боғлиқлик бор дерсиз? Эътибор беринг-а: "Орият — инсон "мен"ини суяб турувчи устунлардан бири. Чинакам маънода ўз қадрини сақловчи, юксак поғоналарга кўтарилган "мен"гина ўзгалар қадрини, халқ, Ватан, миллат қадрини сақлай олади".

Ташкилий қўмита аъзоларининг эътирофича ҳам бугун бошланадиган танловга ҳақиқий ватанпарвар, илмни эъзозлайдиган энг истеъдодли, энг ориятли ўғил-қизлар ташриф буюрганлар. Улар ўз қадрини сақлаш, билимини намоён этиш билан бирга валломатлик ҳам қиладилар.

— Мен Жиззах вилоятида ўтказилган беллашувда француз тили фанидан энг юқори балл тўплаган бўлсам-да, барибир ҳаяжонланаяпман, — деди Дилдора Расулова. — Сабаби, бу ерда бошқа ҳудудлардан ҳам энг билимдон, фанини чуқур биладиган ўқувчилар етиб келишган.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун бошланадиган ва икки кун давом этадиган олимпиадада сараларнинг сараси беллашишади. Омад ҳам фақат билимдонларгагина кулиб боқади.

**М.ҚУРБОНБОЕВ**

# МАРКАЗНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

ўрин олган. Марказ мутахассислари таркиби "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларининг етакчи олимлари, докторантлар, аспирантлар, магистрлар, иқтидорли талабалар ҳамда Чилонзор тумани ҳокимлиги маънавият ва маърифат марказининг тажрибали фаолларидан иборатдир. Улар кенг жамоатчиликка таянган ҳолда университет жамоаси орасида, ҳокимият ҳудудидаги маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишни асосий фаолият мезони деб қарайдилар. Марказ қошида "Ёғду" ёш мафкурачилар клуби ҳам ташкил этилди. Севимли газетамиз "Иқтисодчи" билан ҳамкорлик мустаҳкамланиб, миллий ғоя билан боғлиқ илмий нуқтаи назарлар ўртоқлашилмоқда ва амалга оширилган оммавий-сиёсий тадбирлар ҳақида тезкор хабарлар "Иқтисодчи" саҳифаларида ўз аксини топаётир.

Марказ иш режаси ва тадбирлар мажмуи университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланиб, Чилонзор тумани ҳокимлиги билан ҳамжиҳатликда амалга оширила бошланди. Унга кўра, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва тамойиллари бўйича зарур бўлган кичик-кичик оммабоп рисолалар, маъруза матнлари услубий адабиётлар ва дидактик қўлланмаларни ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари билан биргаликда тайёрлаб, уларни аҳоли ва талабалар ўртасида тарқатиш, университет маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда илмий-амалий конференциялар, учрашув ҳамда мунозара кечалари ташкил этилади. Бундан буён "Иқтисодчи" газетаси саҳифасида "Миллий мафкура чорраҳаларида" рукни остида марказ фаолиятини акс эттирувчи мақолалар чоп этилишига эътибор янада кучайтирилади.

Энг муҳими, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги қарори ҳамда Президент Ислом Каримовнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқи фаолиятимизнинг асосий йўналишлари бўлиб қолади.

**Обиджон МАҲМУДОВ,**
**ТошДИУ "Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази" раҳбари**

## Meros

# БАРДАВОМЛИК

*75 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг жаҳоншумул шуҳрати, унда таълим олган ва сабоқ берган, Самарқанд адабиётшунослик мактабига асос солган улуғ сиймолар Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Воҳид Абдуллаев номлари билан бевосита боғлиқдир. Бироқ, университет нафақат ўзининг илмий салоҳияти билан, балки бадиий адабиёт соҳасида тарбиялаб вояга етказган етук шоир ва ёзувчилари билан ҳам катта обрў ва эътиборга сазовор бўлди. Бундай етук шахслар рўйхатининг энг олдинги сафида Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Душан Файзийларнинг номларини келтириш мумкин.*

*Маълумки, Самарқандда жуда қадимдан катта илмий ва адабий муҳит мавжуд бўлиб, унинг юртимиз тарихида тутган ўрни ва хизматлари катта. Жаҳон мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, шарқ шеъриятининг меҳрипуранвори ҳазрат Низомиддин Амир Алишер Навоий даҳосининг ҳам руҳий камолотида, ҳам шеърий иқтидори сайқаллланувида XV аср Самарқанд адабий мактабининг ўзига хос таъсири бўлган, албатта. Бу мактабнинг анъаналари ва ўзига хос йўналишлари асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, ривожлантирилиб, сайқалланиб келинмоқда.*

*Самарқанд навоийшунослик мактабининг ўзига хос йўналишдаги янги ҳаёти, унинг жаҳон илм-фани, адабиётшунослиги мезонлари асосидаги шакллануви, мажозий бир тарзда ифодалайдиган бўлсак, 1941 йил ёзида Самарқанд Давлат университети биносида академик Воҳид Абдуллаевнинг Алишер Навоийнинг бу ердаги ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган номзодлик диссертацияси ҳимояси билан бошланди. Бу ишнинг бугунги кунда ҳам бағоят баланд бўлган илмий қимматини таъкидлайдиган мисолга диққатингизни тортишни истар эдик. Навоийшунослик фан катта тараққиётга эришиб, унинг жуда кўп масалалари ойдинлашиб қолган бугунги даврда ҳам, ҳанузгача Алишер Навоий биографияси ва ижодининг Самарқанд давридан бўлак бирор бир даври (жумладан, Ҳирот даври, Машҳад даври, Астробод даври) йирик монографик асосда махсус ишлаб берилмаган.*

*Ҳозирги Самарқанд олимлари изланишларида ҳам адабиётшуносликнинг ана шундай диққатталаб мавзуларига қалам уриш, янгилик киритиш, фанни янги илмий фактлар билан бойитиш етакчи услубий ўзига хосликни, тамойилни ташкил этади. Самарқандлик олимлар ижодида давр билан ҳамнафаслик руҳи, балки келажак ҳодисаларни олдиндан ҳис эта билиш руҳияти ҳукмрон, десак адашмаймиз.*

*Умумий сони 600 дан ортиқ бўлган монография, илмий ва илмий-оммабоп мақола, дарслик ва қўлланмалар муаллифи бўлган олим академик Ботир Валихўжаев бугунги кунда буюк мутафаккир Алишер Навоий даври адабий жараёни, муҳити хусусиятлари, бу давр машҳур сиймолари ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида баракали илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Унинг "Мавлоно Лутфий" ва "Ҳусайн Бойқаро — Ҳусайний шеърияти" деб номланган рисолаларида XV аср туркий шеъриятининг нозиктаъб намояндалари бадиий услуби, эстетик қарашлари ва ижодий маҳорати масалалари янгича йўналиш ва ўзига хос нуқтаи назарлардан таҳлил этилади.*

*Филология фанлари доктори М.Муҳиддинов "Алишер Навоий "Хамса" сида комил инсон талқини" деб номланган йирик тадқиқотида бугунги кун мафкурасининг асосий масалаларидан бирига дадиллик билан муносабат билдирди ва ўзининг бу соҳадаги илмий хулосаларини баён этди.*

*Филология фанлари докторлари Р.Орзибеков ва Ш.Сирожиддиновларнинг тадқиқотлари адабий меросимизга ўзига хос янгича нуқтаи назар билан қараш, унга холисона тарихий-илмий ёндашув хусусияти билан кўзга ташланиб туради. Ш.Сирожиддиновнинг Алишер Навоий ҳаёти тафсилотларига бағишланган докторлик диссертациясида 30 га яқин тарихий қўлёзма манба асарлар илмий тадқиқ этилган.*

*Алишер Навоий ижодий меросининг кам ўрганилган нуқталарига эътибор қаратишнинг натижаси сифатида таниқли адабиётшунос олим Қ.Тоҳиров томонидан яратилган ўнлаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, академик Б.Валихўжаев билан ҳамкорликда амалга оширилган "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарининг насрий баёни кабилар ҳам Самарқанд адабиётшуносларининг ютуқларидан бири ҳисобланади.*

*Филология фанлари номзодлари А.Абдураҳмонов, Э.Мусурмонов, М.Турсунова сингари республикада танилган олим ва олималар ҳам ана шу илмий жамоа аъзолари бўлиб, давримиз адабиёшунослигининг энг долзарб мавзуларида изланишлар олиб бормоқдалар.*

*Кейинги йилларда адабиётшунос сифатида танилаётган умидли ёш илмий тадқиқотчи У.Қобилов Алишер Навоий илмий ва лирик мероси хусусиятлари, унинг давр ижодий жараёнига таъсири масалаларига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди.*

*Шуни ҳам таъкидлашни истар эдимки, университет ҳузурида фаолият кўрсатаётган номзодлик диссертациялари ҳимояси учун ихтисослашган илмий кенгаш Самарқандда ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга бўлган илмий, адабий муҳит анъаналари бардавомлигини, барқарорлигини таъминлайди. Шу кенгаш фаолияти муносабати билан йил давомида мунтазам равишда илмий-тадқиқот ишлари муҳокамалари, диссертациялари ҳимоялари ўтказилиб турилади. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги фанларининг ривожига ҳисса қўшади.*

**Дилором САЛОҲИЙ,**
**Самарқанд Давлат университети ихтисослашган илмий кенгаш котиби**

# УЧ АВЛОД МАКТАБДА УЧРАШДИ

## Navro'z mujdalari

Наврўз тантаналари давом этаётган ушбу кунларда пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 114-мактабда ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Бу ерда "Ватан маҳалладан бошланади" мавзуидаги маданий ва маърифий кечада "Мевазор" маҳалласининг уч авлоди учрашуви ташкил этилди.

Дастлаб маҳалланинг энг кичик вакиллари бўлмиш 114-мактаб ўқувчилари "Она-Ватан бешигисан, менинг маҳаллам!" мавзуида бадиий-шеърий композиция тайёрлашиб, унда маҳалла тинчлиги, қўни-қўшнининг тотувлиги, юрт ободлиги ҳақида сўз юритишди. Азалдан келаётган қўшничилик муносабатлари, маҳалладошларнинг ўзаро бирлиги, аҳиллигини мадҳ этишди. Маҳалланинг ўрта бўғин вакиллари томонидан ҳам "Мевазор" маҳалласининг 40 йиллиги, шу давр мобайнида маҳалладаги муҳим воқеалар тафсилотларини акс эттирувчи шеърий композиция тайёрланиб, у "Маҳалладан бошланур Ватан" деб номланди.

Фахрий ўқитувчи, маҳалланинг кекса авлоди, кайвони онахон Маҳмуда она Рихсиева йиғилганларга маҳалла тарихи ҳақида сўзлаб, унинг нима сабабдан "Мевазор" деб номлангани, маҳалла ободончилиги, бу ерда мактабгача таълим муассасаси ва мактабларнинг очилишига ўз ҳиссаларини қўшган маҳалладошларининг номларини хотирлади.

— Маҳалламизда қарор топган яхши анъаналардан бири, — деди 114-мактаб директори Мастура Убайдуллаева, — эл-юртга ибратли, маҳаллага меҳнати сингган инсонларнинг таваллуд топган кунларини биргаликда нишонлашдир. Бугунги маҳалламизнинг 40 йиллик тўйи касбдошларимиз — физика фани ўқитувчиси Мавжуда Қосимова билан кимё фани ўқитувчиси Маъмурахон Мўминжоноваларнинг юбилейларига уланиб кетди.

**Нурлан УСМОНОВ**

# КУТУБХОНА МУАММОЛАРИ

***Ўқувчилар шахсини маънавият ва маърифат орқали камол топтиришда китоб ва мактаб кутубхонасининг роли, мактаб кутубхонаси ишларини ташкил этишга оид замонавий талаблар, кутубхона ишларини режалаштиришнинг асосий тамойиллари ва фондларни шакллантириш муаммолари, мактаб кутубхонаси ходимлари малакасини ошириш асосий мавзу сифатида белгиланган республика семинари Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар мактабларидан кутубхона ходимлари, услубчилар қатнашдилар.***

***Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Б.Султонов республика мактаб кутубхоналари ишларининг аҳволини тўлиқ таҳлил қилиб, кутубхона ишларини яхшилашнинг биринчи галдаги вазифалари ва йўлларини таъкидлаб ўтди.***

***Нукус шаҳридаги 1-, 3-, 4-, 22-, 32-, 33-, 37-мактаблар кутубхоналарида кутубхоначилик ишларини юритиш, болаларнинг китоб ўқишига кўмаклашиш, китоб ёрдамида ўқувчиларни тарбиялаш масалалари бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.***

***Семинар-кенгашни ўтказиш арафасида "Энг яхши мактаб кутубхонаси" танлови якунланди. Бу танлов педагогика ва халқ таълими ютуқларини кенг тарғиб қилиш, китоб-расмлар кўргазмасини ташкил этиш, маънавият ва маърифат хонаси билан яқин алоқада оммавий тадбирларни ўтказиш орқали маънавий ва тарихий қадриятларни тиклашни таъминлади.***

**Р.РАТНЕР**

## 2001 yil — Onalar va bolalar yili

# ПАРИ МОМОНИНГ ТАРБИЯ МАКТАБИ

*Қишлоқда бу момонинг лақаби "пари", ўзининг исми эса Шарбат. Эртак ва афсоналарда ўзига оро берувчи, саранжом-саришта ва покиза хурлиқоларга нисбат бериб айтилган "пари" сўзининг Шарбат момога нисбатан қўлланилишига ҳеч ким эътироз билдирмайди.*

*Янгиқишлоқда Шарбат момолар хонадонига тозалик бобида тенг келадигани йўқ. Ҳовлилари ёғ тушса ялагудек. Илгари момоларнинг ҳовлиси пастликда эди, беш йилча бурун, баландликдан ҳашаматли қилиб ҳовли солинди.*

*Момо бу уйда ўғли Ҳусаннинг болалари билан яйраб умр кечиришини, уларнинг қаторида ўзи ҳам соғ-саломат юришни орзу қилган эди. Афсуски, ўғлининг умри қисқа экан, бахтсиз ҳодиса туфайли... Момо йиғлаб бир этак неваралари қуршовида қолди...*

*Шарбат момо саксонга кирди. Кўз тегмасин, тетик, букчайган қадди гоҳ уйда, гоҳ ҳовлида, гоҳ молхонада кўзга ташланади. Момонинг шиори — тозалик. Унинг айтишича, сариштали уйдан фариштлар аримайди.*

*Уй супурганда, айрим бекалар дераза, эшикни очмайди. Шарбат момо эшик-деразаларни ланг очиб, чангни ташқарига "қувади". Уйнинг шифтларига қараб, ис ўрнашганми ёки йўқ, шунга эътибор беради. Икки қаричингиз баробар жажжи супургиси ҳам бор. Момо қизларига ҳам уқдирар эди. "Уйда чангдан ҳосил бўлган тартанаклар ўрнашса, бу хонадон бекасининг палаз (тозаликка эътиборсиз)лигидан нишонадир". Энди худди шу ўгитни келини Вазирага уқдиришдан чарчамайди:*

*Сувнинг устини ҳамиша ёпиб юринг.*

*Идиш—товоқларнинг устига латта ёпиб юрсангиз, чанг-ғуборлар тушмайди.*

*Меҳмон келганда, оёқ кийимларини артиб қўйинг.*

*Соч тараганда, рўмол ёзинг, акс ҳолда оёқ ости, кийим-бошларингиздан соч илашиб чиқаверади.*

*Овқат тайёрлаётганда, бош кийимсиз бўлманг. Бир тола сочингиз таомга тушиб, ҳар қандай кишининг иштаҳасини бўғиши мумкин.*

*Пари момонинг шу сингари ўгитлари кўп. Барчасида тозаликни сақлаш бош шиор ҳисобланади. Момо тўрт қиз чиқарди ва бир ўғил уйлантирди. Қизлари Сарвар, Муҳаррам, Фотима, Бувражаблар келин бўлиб тушган хонадонларда ҳам момонинг яшаш тарзига хос ҳолатлар ҳукм суради.*

*... Бир пайтлар момонинг ҳам юзи нақшин олмадек эди, қошларидан ўсма, кўзларидан сурма, қўлларидан хина аримасди. Раҳматлик чоли Элибой бобо билан умргузаронлик қилиб, мана ўзи ҳам қартайди. Момога қараб туриб, ҳар бир инсоннинг умр йўлидан тарбия мактаби ҳосил бўлишига ишонгингиз келади. Бу кекса онахоннинг ҳаётий сабоқлари эндиликда ўғил-қизларидан кўпайган невараларига ҳам қўл келади.*

*... Ҳикоя қилганим, ҳамқишлоқларининг таъбирича, пари момо бўлган бу онахон Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани марказидаги Янгиқишлоқда истиқомат қилади. Шуниси аниққи, Шарбат Абиева сингари ибратли тарбия мактаби яратган онахонлар юртимизда минглаб топилади. Бундай онахонлар бор экан, бугунги авлод қонида ўзбекона урф-одатларга ҳурмат қандай бўлса, шундайлигича сақланади.*

*Илоҳо, шундай бўлсин.*

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

# БЎВАМ, БЎВИМ, ОТАМ, ОНАМ, АКАМ ВА МЕН СПОРТЧИЛАРМИЗ

## Sog' tanda — sog'lom aql

Спорт билан шуғулланган киши (хоҳ у ёш, хоҳ катта бўлсин) соғлом, жисмонан бақувват, гўзал бўлади. Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим муассасалари бўлими билан Қибрай туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида Ойбек номидаги 2-мактабнинг спорт залида "Бувам, бувим, отам, онам, акам ва мен — спортчилар оиласи" мавзусида туман миқёсида беллашув ўтказилди.

Мусобақада 5-болалар боғчасидан Қосимовлар оиласи, 35-болалар боғчасидан Абдувалиевлар оиласи ва 43-болалар боғчасидан Комиловлар оиласи иштирок этдилар.

Беллашувда спортчилар оиласи "Дастурхон безатиш" (жамоалар навбатма-навбат қўлларидаги нарсалар билан қаршисидаги кеглилардан ораалаб ўтиб, ўз столларида дастурхонларини безайдилар); "Кеглиларни нишонга олиш" (кегилбан ўйини); "Тез ёрдам кўрсатиш" (жамоа ота-оналари маълум масофадаги фарзандлари олдига югуриб бориб, навбатма-навбат уларни қўлларида биргаликда олиб келадилар); сардорлар беллашуви (оталар қўлларига таяниб ётган ҳолда қўлларини ким кўп букиб ёзиши); арқон тортиш; барча оилалар иштирокидаги сочилган шарларни бир минут ичида нишонга олиш каби 6 та шарт бўйича куч синашдилар.

Ғоят қизиқарли ўтган ушбу мусобақада Абдувалиевлар оиласи фахрли 1, Қосимовлар оиласи 2, Комиловлар оиласи 3-ўринни эгаллашди.

— Азиз устозлар, мураббийлар, ҳурматли ота-оналар, болажонлар, — деди ҳайъат аъзоси, А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ жисмоний тарбия, чақириққача ёшларни тайёрлаш ва мактабдан ташқари ташкилот кафедраси мудирининг муовини, доцент Фахриддин ака Хўжаев. — Жорий йилнинг Оналар ва болалар йили деб номланиши ва бунга жавобан республикада биринчилар қаторида ўтказилаётган фестивалда иштирок этишнинг ўзи катта ютуқ. Бунда дўстлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ғалаба қозонди. Беллашувда фаол қатнашган оилаларга раҳмат ва ана шундай оилалар сафи кенгаяверсин.

Фестивал иштирокчилари туман ҳокимияти, туман халқ таълими бўлими, "Камолот" жамғармаси томонидан эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

**Дилбар ХЎЖАЕВА,**
**"Маърифат" мухбири**

